


Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#24 (06.04.2012)

ЎХХ НИНГ ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК МЕҲНАТ МУҲОЖИРЛАРИГА МУРОЖААТИ



Азиз Ватандошлар!

Сизлар ишсизликдан, оила боқиш учун турли мамлакатларга чиқиб ишлашга мажбур бўлаясизлар. Борган давлатларнинг тили ва қонунларини билмасдан, у ерлардаги оғир шaroитлар сабабли турли

хил ноҳақликларга ва машаққатларга дучор бўлаясиз.

Кун ора ОАВ орқали у бу мамлакатдаги меҳнат муҳожирларини ўтда куйиб ўлгани, сувда чўкиб кетгани ва миллатчилар тарафидан ва бошқа турли сабаблардан ўлгани ва ўлдирилгани ёки ишлаган пулларини ололмай, оч қолаётганларини эшитиб, сиз учун бағримиз ёнмоқда! Нега сизларнинг ҳақ ҳуқуқларингизни ўзбек режими ҳимоя қилмайди?

Ахир, бу Ўзбек давлатининг вазифаси-ку?! Сизлар жўнатаётган миллионлаб долларлар шу “давлат”, шу режим амалдорларини манфаатига хизмат қилапти-ку!

Сизлар ота-онангиз ва оила аҳлингиз билан йиллаб кўришаолмайсиз. Бу бегона элларда фарзандларингиз мактабда илм олиш имкониятидан маҳрум. Келажакдан умидлари узилган. Бутун бу дардларингизга биз шерикмиз.

Бу зулмдан қутулишнинг битта йўли унга қарши бош кўтармоқдир. Биз сизларни мавжуд режимга бўйсунмасликга чақирамиз. Бу зolim режимнинг умри тугамоқда. Зулм салтанати ўрнига адолатли эркин жамият қуриш пайти келди. Фарзандларингиз келажаги, бахти учун қурашиш пайти етди!

Сафимизга қўшилинг – бу режимни тез орада йиқитамиз иншооллох! Бу режим қуласа, сизлар меҳнат муҳожирли бўлиб юрмайсиз. Сизларни иш ва етарли маош билан таъминлайдиган бир давлат қурилади. Зулмга қарши Халқ Ҳаракатига Қўшилинг! Сизларни сафимизда қутамиз!

КАЧАЛОВО ҚУРБОНЛАРИ ЯҚИНЛАРИГА ЎХХ ТАЪЗИЯСИ

ОАВ орқали Москва шаҳридаги Качалово бозоридаги ёнғинда ҳалок бўлган 11 кишининг исми-шарифларини эълон қилди. Маълум бўлишича ҳалок бўлган 17 нафар фуқаронинг 10 таси ўзбекистонлик, биттаси Тожикистон фуқароси экан бошқалари ҳозирча аниқланмаган.

1. Б.Б. Элбоев, 1974 й.т.;
2. Г.Х. Шодмонкулов, 1973 й.т.;
3. С.Е. Пардаев, 1983 й.т.;
4. П.Б. Астанқулов, 1990 й.т.;
5. И.З. Бердиев, 1987 й.т.;
6. Ж.М. Мақсумкулов, 1991 й.т.;
7. С.С. Мақсумкулов, 1982 й.т.;
8. М.С. Мақсумкулов, 1977 й.т.;
9. У.М. Мақсумкулов, 1986 й.т.;
9. С.Х. Ғозиев, 1991 й.т.;
11. Э.Б. Болтабоев, 1975 й.т.

Тожикистон фуқароси.
Яна 6 киши кимлиги аниқмас. Бир оиладан тўртта ака укалар бир вақтда куйиб ўлганлар. Муштипар Ота Она тўртта ўғлидан аёллар эридан ва болалар отасидан бир кунда ажралди.

Бу каби муҳожирлик ва хорлик ўзбек халқининг бошига тушган жуда қатта мусибатдир. Халқимиз оила боқиш учун ёт элларга келиб турли бало офатларга дучор бўлмоқдалар. Биз бу марҳумларнинг ота оналари, қариндош уруғлари ва ёру дўстларига ўз чуқур қайғу ва таъзиямизни изҳор қиламиз. Ва кўзда ёши билан йиғлаб етим қолган фарзандларига сабр тоқат келажаги порлоқ ҳаёт тилаймиз.

Бу мусофирликда куйиб ўлган 17 та ватандошимизни ва бошқа барча шу каби офатлар натижасида ҳалок бўлган дўстларимизни Аллоҳу Таоло Ўзи мағфиратига олиб шаҳидлар жумласидан қилишини сўраймиз. Албатта, бу мусибат ўзбек халқининг улкан мусибатидир. Булар шубҳасиз зolim ИАК режими сиёсатининг ноҳақ қурбонларидир. Биз дардингизга ҳамдардимиз! Инна Лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун!

ЎХХ Матбуот Маркази

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон олтини, нефти ва пахтаси унинг 30 миллионга яқин аҳолисини иқтисодий жиҳатдан тўла таъминлай олади, мамлакат эса жаҳон давлатлари ҳамжамияти орасида муносиб иқтисодий ўрин эгаллай олиши учун тўла шароит мавжуд. Афсуслар бўлсинки, Ўзбекистон ҳамон иқтисодий бўҳрон ичдагидек бир вазиятда қолаяпти ва бундай аянчли аҳволдан қутулиш йўллари изланилмаяпти ёки у йўللари излашни исташмаяптилар.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА БИР МУСТАҚИЛ ЖУРНАЛИСТ УСТИДАН ЖИНОЙИ ИШ ОЧИЛДИ

Ўзбекистонда яна бир мустақил журналистга нисбатан жиноят иши очилган.

(Давоми 3-бетда.)

МОСКВА: ЁНГИН ҚУРБОНЛАРИНИНГ ‘БАРЧАСИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК БЎЛИШИ МУМКИН’

ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг Москва полиция бошқармаси матбуот хизматида таяниб хабар беришича, “Қачалово бозоридаги ёнғинда қурбон бўлганларнинг барчаси Ўзбекистон фуқаролари бўлиши мумкин”.

(Давоми 3,4-бетларда.)

ҚАЙСИ ДИНДАГИЛАР КЎПРОҚ ИММИГРАЦИЯГА МОЙИЛ?

Иммиграциянинг диний омилларига бағишланган таҳлиллар шуни кўрсатадики, одамларнинг бошқа мамлакатларда қўним топишида диннинг аҳамияти ниҳоятда қатта экан.

(Давоми 4-бетда.)

ЎЗБЕК ҚАМОҚХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН ФАОЛ МАҚТУБЛАРИ ТАШҚАРИГА ЧИҚАРИЛМАЯПТИ

Ўзбекистонда яна бир мустақил журналистга нисбатан жиноят иши очилган.

Елена Бондарь миллатларо низо кўзгашда айбланмоқда. Fergananeews.com агентлиги билан ҳамкорлик қилиб келган журналист устидан қўзғатилган жиноят иши Тошкентдаги IQ Land Services номли консалтинг ширкати даъвосига асосланган.

(Давоми 5-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН ОЛТИНЛАРИ ҲАҚИДА



Россия интернет хабар сайтларидан бирида “Кимнинг энг кўп олтини бор?” номли сарлавҳа билан дунё мамлакатларининг бир нечтасида сақланаётган олтинларнинг умумий миқдори ҳақида маълумот тарқатилди. Бу хабарда 13 мамлакат номи ва уларнинг олтин захиралари кўрсатилган. Рўйхатнинг биринчи ўрнида АҚШ келтирилиб, бу мамлакатда шу кунда 8 минг бир юз ўттиз уч ярим (8 133,5) тонна олтин сақланаётгани айтилади. Бундан ташқари яна ўн иккита мамлакат, уларда сақланаётган олтин захираларининг миқдори тартибда куйидагича саналади:

2. Германия – 3 401,8 т.
3. Италия – 2 451,8 т.
4. Франция – 2 435,4 т.
5. Хитой – 1 054,1 т.
6. Швейцария – 1 040,1 т.
7. Россия – 851,5 т.
8. Япония – 765,2 т.
9. Голландия – 612,5 т.
10. Ҳиндистон – 557,7 т.
11. Тайван – 423,6 т.
12. Португалия – 382,5 т.
13. Венесуэла – 365,8 т.

Бу рўйхатга Ўзбекистон номли мамлакат киритилмаган, албатта. Аммо Ўзбекистондан қазиб олинаётган олтиннинг миқдорига кўра, ўзбеклар исми билан аталадиган мамлакат ҳам бу ўн учталик ичида ўрин олиши керак эди. Шу муносабат билан бир тарихни хотирлашни истардим. Кўпчилигинг биласизки, советлар Ўзбекистонини, яъни коммунистик Россия мустамакасида бири Ўзбекистон Совет Республикасини Шароф Рашидович Рашидов исми билан коммунист узок йиллар давомида Москвадан кўрсатилган буйруқларга оғишмай амал қилиш йўли билан бошқарган эди. Ана ўша Шароф Рашидов ўзига жуда яқин ва ишончли кишилари доирасида (балки оилавий доирада), “Ўзбекистондан қазиб олинаётган олтинларнинг бир фоизи бизда, яъни Ўзбекистонда қолдирилса эди, ҳар бир ўзбекнинг остонаси олтиндан бўларди” – деган эканлар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ичида ерости ва ерусти табиий бойликлари ва бошқа хил бойликлари бўйича ҳам энг бадавлат бир мамлакат ҳисобланади. Масалан, Россия матбуот воситаларида бундан ўн беш йил муқаддам қуйидаги маълумотлар эълон қилинганди: “Ўзбекистон олтин захиралари

жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринни, олтин қазиб олиш бўйича эса еттинчи ўринни эгаллаб туради. Мамлакат йилига 80 тонна соф олтин қазиб олмақда. Демак, Ўзбекистон бу ўтган 15 йил давомида энг ози 1200 (бир минг икки юз) тонна олтин қазиб олгандир. Боринг, ўша олтинларнинг 50% харажатларга (албатта бундай бўлмаган) сарфлаган бўлганида ҳам, бугун Ўзбекистон 600 тонна олтин захирага соҳиб бир мамлакат бўлиши лозим эди. Яъни юқорида келтирган рўйхатда энг бўлмаганида 9-10 ўринларда унинг жойи бўлиши керак эди. Афсуски, кўриб турганингиздек, Ўзбекистонга бу рўйхатда жой берилмаган. Нима учун, нега? Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг бойлиги-олтинлари қаерда ва унга ким эғалик қилмоқда? Нега у олтинлар Ўзбекистон давлатининг газнаси ҳисобида турмаяпти? У ҳолда бунча олтин кимнинг ҳисобида экан? Каримовнинг ёки унинг иккала қизлари махфий ҳисобидами сақланмоқда? Дунёнинг биринчи даражали диктатори Каримовга ва у бошқараётган Ўзбекистоннинг бугунги ҳукуматига бу саволни бериш учун ўзбек халқи ўзини ҳақли деб ҳисоблаши керак эмасми? Бидамизки, Ўзбекистон олтиндан ташқари ҳозирги замон технологияси ва машинасозлигида, курул-яроғ ишлаб чиқаришда танқис ҳисобланадиган жуда кўп маъдан захираларига ҳам бой. У маъданларнинг кўпчилиги бугун ҳам қазиб олинапти ва сотилапти. Мамлакатда жуда кўп мева, сабзавот, жун, қорақўл тери ва бошқа қимматбаҳо бойликлар мўл. Булардан ташқари, Ўзбекистон кўпгина қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва яна бошқа қомашёлар етиштиришда ҳам жаҳонда юқори ўрин эгаллайди. Масалан, жаҳон бозорида сотиладиган пахтанинг 50% Ўзбекистон (20 фоиз) ва АҚШ (30 фоиз) биргаликда экспорт қилади. Биз келтирган бойликлар рўйхати Ўзбекистон бойликларининг бир қисминигина ташкил этади, холос. Аммо Ўзбекистон олтини, нефти ва пахтаси унинг 30 миллионга яқин аҳолисини иқтисодий жиҳатдан тўла таъминлай олади, мамлакат эса жаҳон давлатлари ҳамжамияти орасида муносиб иқтисодий ўрин эгаллай олиши учун тўла шароит мавжуд. Афсуслар бўлсинки, Ўзбекистон ҳамон иқтисодий бўҳрон ичдагидек бир вазиятда қолапти ва бундай аянчли аҳволдан қутулиш йўллари изланилмаяпти ёки у йўллари изланиш ишамаяптилар. Масалан, шу кунга қадар мамлакатда рақобатли бозор иқтисодий муносабатлари пайдо этилмади ва этилмаяпти, иқтисодий системада хусусий сектор бирор бир шаклда майдонга чиқмади ва чиқмаяпти, қишлоқда қолхоз ва совхозлар

эса, “кийими”ни тескари кийиб умрини давом эттираётган бўлсалар, шаҳарларда бутун саноат ишлаб чиқариши ва унинг воситалари (давлат мулки шаклида) давлат қўлида қолиб турибди ва улар йилдан-йил иқтисодий ночор ҳолга тушиб борапти ёки тугаб кетаяпти. Натижада, аҳолининг ижтимоий аҳволи кундан-кун ёмонлашиб, оғирлашиб, бугун ўта аянчли бир ҳолга келиб бўлди. Ҳукуматнинг қарор ва кўрсатмалари назарий асос ва бирор мантқиққа эга бўлмаганлиги сабабли, мутлақо самарасиз қуруқ қоғозларда қолиб кетди ва қолиб кетиши давом қилмоқда. Нега, нима учун шундай бўлмоқда? Одатда, Ўзбекистон президентининг иқтисод бўйича эълон этган фармонлари ёзма мазмуни жиҳатидан Ўзбекистондаги долзарб масалаларга бағишланганга ўхшайди-ку, ахир. Борди-ю, мамлакат матбуот воситалари шарҳларига назар солсангиз у фармонлар ва ҳукуматнинг бошқа иқтисодий “тадбирлари” фавқулодда муҳим ва аҳамиятли иқтисодий муаммоларни ечишга бағишланади. Аммо Республика ҳаётида негадир ҳеч фавқулодда ижобий ўзгаришлар юз бермади ва бермаяпти. Менимча эса, Ўзбекистон ҳукумати бугунгача ҳам иқтисодий ислохотлар йўлига ўта олмапти ёки бундай ислохотларнинг удасидан чиқа олмапти. Тўғриси, бундай илохотларни ишамаяптилар. Масалан, мамлакат халқ хўжалигида ислохот номи билан ўтказилган баъзи бир таъмирлашлар (ремонтлар) ҳозирча мутлақо ижобий натижа бермади. Аксинча, бу ремонтлар хўжаликлардаги эски советлар даври меҳнат интизомини ҳам бўшаштирди, умумхалқ мулкни Каримовнинг қизлари бошқаришгаётган бир гуруҳ ўғрилар ўртасида талон-тароғ бўлишига олиб келди, холос. Хуллас, кўп фикрлилик асосида мамлакатда мавжуд бўлган барча сиёсий ташкилот, ҳаракатлар, ижтимоий жамоатчилик ва давлат тизимлари ўртасида амалий (конструктив), маданий мулоқот йўли билан давлат тузуми ва системасида амалга оширилиши лозим бўлган ислохот, шуниндек, иқтисодда рақобатли хусусий мулкчиликка эришиладиган иқтисодий ислохотлар ўтказиш муаммоси бундан 20 йилдан кўпроқ замон муқаддам қандай долзарб бўлган бўлса, Ўзбекистонда бугун ҳам улар ўшандай долзарб вазиятда сақланиб қолапти. Ўзбекистоннинг ривожланиши, дунё давлатлари орасида ўз муносиб ўрнини топишининг негизини ташкил этган бу икки муаммо бугунги замонимиз сиёсий ва иқтисодий шартлари даражасида ўз ечимини топмас экан, Ўзбекистонда ҳеч қандай ижобий ўзгаришлар ҳақида ўйлаш ҳам мумкин бўлмайди.

Алибой Йўлахши.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА БИР МУСТАҚИЛ ЖУРНАЛИСТ УСТИДАН ЖИНОЙИ ИШ ОЧИЛДИ



Ўзбекистонда яна бир мустақил журналистга нисбатан жиноят иши очилган.

Елена Бондарь миллатларо низо қўзғашда айбланмоқда. Fergananews.com агентлиги билан ҳамкорлик қилиб келган журналист устидан қўзғатилган жиноят иши Тошкентдаги IQ Land Services номли консалтинг ширкати даъвосига асосланган.

Ўзбекистонлик талабалар ва Россиянинг Тюмень Университети ўртасида воситачилик билан шуғулланган ширкат Елена Бондарни ўз номидан миллатлараро низо қўзғатувчи мурожаатларни тарқатишда айблайди.

Айбдор деб топилгани тақдирда журналист уч йилга озодликдан маҳрум этилиши мумкин.

Аmmo ҳамкасблари жиноят иши ортидан Еленанинг касбий фаолияти турганига ишонишади.

Fergananews.com хабар агентлиги бош муҳарири Даниил Кисловнинг айтишича, Ўзбекистон ҳукумати мамлакат ичкарасида қолаётган санокли мустақил журналистлардан ҳам қутулмоқчи.

Даниил Кислов: Ўтган йили бизнинг саҳифамизга Тюмень Университетининг Тошкентдаги филиали раҳбари экани айтилган шахснинг имзоси билан бир изоҳ келиб тушди. Унда Ўзбекистонда Россия университетининг филиали таъкиб этилаётганидан шикоят қилинганди. Биз Ленадан ушбу маълумотни текшириб кўришни сўрадик. Айтиш жоизки, Лена бизнинг махсус мухбиримиз эмас. 2005 йилда бизни аккредитациядан маҳрум қилишганидан сўнг, Ўзбекистонда доимий мухбирларимиз қолмаган. Аммо у бизнинг дўстимиз ва биз билан ҳамкорлик қилиб келгани учун мен ундан мактубда айтилган университетнинг Тошкентдаги бўлимига телефон қилиб кўришни сўрадим. Аммо у боғланиб кўрганидан кейин бизга маълум бўлдики, бу қандайдир хато ёки илвогарлик ҳаракати. Шундан сўнг биз бу мавзу билан шуғулланишни тўхтатдик,

лекин айна мазмундаги мактуб интернетдаги бошқа нашрларда пайдо бўлганидан сўнг, Лена яна бизнинг илтимосимиз билан телефон қилиб, ҳамма нарса жойидами-йўқми, аниқлашга киришади. Аммо у ердагилар журналистни ҳақорат қилишади. Биз бу билан бошқа шуғулланмадик, бироқ яқинда тожик муҳожирлари сайтида бирданга Елена Бондарь ва fergananews.com агентлигига қарши бизни хайратга солган мақола пайдо бўлди. У Тюмень Университетининг адвокати номидан ёзилганди. Биз бунга ҳам эътибор берганимиз йўқ, токи Ленани прокуратурага чақиргунларича.

Би-би-си: Елена Бондарни фақат шунинг учун таъкиб қилишяптими?

Даниил Кислов: Биласизми, фақат уни эмас, балки Ўзбекистондаги хорижий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилаётган барча журналистларни таъкиб қилишяпти. Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизмати уларнинг ҳаммасига қарши жиноят иши очгани ўтган йили маълум бўлганди. Журналистларнинг ҳаммасини прокуратурага чақириб, жиноят ишини уларга кўрсатишган. Ўйин уларнинг ҳаммаси назорат остида. Нима учун ҳозирда улар айнан бу беозор, ёш журналист кизни нишонга олишяпти, менга қоронғу. Лена кўпинча анчайин бетараф мавзуларни ёритиб келарди. Унинг энг танқидий мақоласи, эҳтимол, Тошкент шаҳрининг қайта қурилиши ҳақидаги мақоласи бўлса керак. У сиёсий мавзуларга тегинмаган. Эҳтимол, унинг устидан, Абдумалик Бобоев ёки Умида Аҳмедоваларнинг устидан бўлганидек, бошқа журналистларга ўрناк бўладиган маҳкама жараёнини тайёрлашяптандир.

Би-би-си: Ўзбекистон ҳукуматига бу каби маҳкама жараёни нима учун керак, деб ўйлайсиз. Айниқса, ғарб билан муносабатлар яхшиланаётган бир пайтда?

Даниил Кислов: Ўзбекистон ҳукуматининг мантиғи менга мулақо тушунарсиз. Президент Каримов, қачон қарасангиз, сўз эркинлиги ва демократия ҳақида гапиргани гапирган. Ўзбекистоннинг Овўподаги шериклари эса мамлакатдан чиқариб юборилган хорижий журналистларнинг яқинда Ўзбекистонга қайтишини айтишяпти. Менимча, бу иккиюзламачиликдан бошқа нарса эмас. Мамлакатда қолган бир-икки мустақил журналист таъкиб қилинаётган бир пайтда қандай қилиб бошқа журналистлар Ўзбекистонга қайтсин? Буларнинг ҳаммаси куруқ гап ва очикдан-очик ёлғон, деб биламан.

КАЧАЛОВО ҚУРБОНЛАРИНИНГ ‘БАРЧАСИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК БЎЛИШИ МУМКИН’



ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг Москва полиция бошқармаси матбуот хизматига таяниб хабар беришича, “Қачалово бозоридаги ёнғинда қурбон бўлганларнинг барчаси Ўзбекистон фуқаролари бўлиши мумкин”. Бозорнинг икки қаватли омборхонасида кеча - сешанба куни эрта тонгда келиб чиққан ёнғинда жаъми 17 нафар меҳнат муҳожирининг нобуд бўлгани айтилганди. Ахборот агентлиги матбуот хизматининг, “Қурбонларнинг жасадлари ниҳоятда куйиб кетган. Лекин, тахминимизча, улар Ўзбекистон фуқароларидир”, деган сўзларидан иқтибос келтиради. Аммо Россия Фавқулодда Ҳолатлар бўйича вазирлиги кеча “Қурбонлар шахсларини аниқлаш осон кечмаётгани”ни билдирганди. Сўнги хабар ортидан, Би-би-си Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси расмий вакили билан ҳам боғланди. Унинг айтишича, ҳали якуний ҳулоса чиқаришга эрта ва жорий пайтда маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорликда қурбонлар шахсларини аниқлаш йўлида ўз текширувларини давом этдиришмоқда. Москвадаги инсон ҳуқуқлари фаоли Баҳром Ҳамроев эса, қурбонларнинг олти нафаригача Ўзбекистон фуқаролари бўлиши мумкин, дейди. Унга кўра, бу рақамларни Қачалово бозорида ишлайдиган марказий осиелик меҳнат муҳожирларининг бирдан олган. Бу эса, рақамлардаги чалкашликка сабаб бўлмай қолмаган. Чунки дастлабки хабарларда ёнғинда нобуд бўлганлар барчасининг Тожикистон фуқаролари экани тахмин этилганди. Аммо Тожикистоннинг Россиядаги элчилиги ёнғин қурбонлари орасида ўз фуқаролари йўқлигини айтмоқда.

(Давоми кейинги бетда)

МОСКВА: ЁНГИН ҚУРБОНЛАРИНИНГ ‘БАРЧАСИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК БЎЛИШИ МУМКИН’

(Давоми: боши олдинги бетда)
Жиноий иш

Масъулларга кўра, юз берган ҳодиса юзасидан Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 3-банди, 219-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Ушбу модда, “Эҳтиётсизлик оқибатида икки ёки ундан ортиқ кишининг умрига зомин бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш”ни кўзда тутди.

Ёнғин сабаби борасида ҳозирча аниқ бир тўхтамга келинмаган. Аммо ўт меҳнат муҳожирлари фойдаланган электр иситгичдан келиб чиққан, деган тахминлар илгари сурилмоқда.

Омборхонада қурилиш материаллари сақлангани айтилади.

Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан келган ўнлаб меҳнат муҳожирлари бозор омборхонасига тақаб солинган метал контейнерларда яшашган. Улар Качалово бозорида юк ташувчилик ва фаррошлик билан шуғулланишган.

Ҳибслар

Маҳаллий масъулларга кўра, ёнғин келиб чиққан бинони ижарага олган ООО “Старт-2” ва ООО “Альбасет” ширкатлари бош директорлари қўлга олинган.

Аён бўлишича, улар ҳозирчалик гумондор сифатида икки суткага ҳибсга олинган.


Жорий пайтда икковлон устидан тергов жараёни бораётгани ва шундан сўнг, уларни ҳибсда қолдириш-қолдирмаслик масаласида бир тўхтамга келиниши айтилади.

Россиянинг Фавқулодда Ҳолатлар бўйича вазир Сергей Шойгу кеча юз берган ёнғин сабаблари синчиклаб ўрганилишини талаб қилганди.

Качалово бозоридаги ёнғин Москвадаги Оврўпода энг баланди бўлиши кутилаётган осмонўпар бинога ўт кетишидан бир неча соат ўтиб кузатилганди.

Аммо ҳали қурилиши давом этаётган бинодаги ёнғин бирор бир инсоний талофатларга сабаб бўлмагани айтилганди.

ҚАЙСИ ДИНДАГИЛАР КЎПРОҚ ИММИГРАЦИЯГА МОЙИЛ?



У ерда 12 миллион иммигрант истиқомат қилади. Ундан кейинги ўринларни Германия 10 миллион, Саудия Арабистони ва Канада 7 миллион иммигрантлар билан эгаллаб турибди.

Иммиграциянинг диний омиллариға бағишланган таҳлиллар шуни кўрсатадики, одамларнинг бошқа мамлакатларда кўним топишида диннинг аҳамияти ниҳоятда катта экан.

Дин ҳар бир давлатнинг иммиграция сиёсатида жуда муҳим бўлиб, чет элликлар ўз эътиқоди билан ташриф буюради.

Бу ушбу мамлакатларда миллий ва диний ранг-барангликни таъминлаши билан бир қаторда, давлатларнинг бу борадаги сиёсатини ўзгартиришга ҳам туртки бермоқда.

“Pew” тадқиқот маркази мутахассиси Филип Коннорнинг қайд этишича, иммиграция жамиятни ўзгартириб юбормоқда. У диний маконга ҳам бутунлай бошқа қиёфага киритмоқда. Негаки, бир пайтлар АҚШ аҳолисининг катта қисми фақат протестантлардан иборат бўлган бўлса, бугун улар мамлакат аҳолисининг бор-йўғи ярмини ташкил этади.

Бу, албатта, АҚШ жамиятидаги қарашлар, фикрлар ўзгаришига ҳам таъсир кўрсатади. АҚШ “Pew” тадқиқот маркази яқинда ўтказган ўрганишларга кўра, христианлар ва буддистлар Америкадаги иммигрантларнинг энг кўпини ташкил қилар экан. Дунё аҳолисининг қарийб учдан бир қисмини ташкил қиладиган христианлар АҚШ аҳолисининг сал кам ярмини ташкил қилади. Христиан мигрантлари оқими асосан Лотин Америкасидандир. Уларнинг сони бугунги кунда 43 миллиони ташкил қилади. Ўз навбатида, Россия иммигрантлар энг кўп ташриф буюрадиган иккинчи мамлакат ҳисобланади.

Умуман, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, христианлар мусулмонларга нисбатан иммиграцияга анча мойил халқ ҳисобланади.

The Wall Street Journal газетасининг ёзишича, Европа Иттифоқида яшаётган иммигрантларнинг 53 фоизи, яъни 26 миллион нафари айнан христианлардир.

Мусулмонларнинг сони 13 миллион атрофида бўлиб, улар иммигрантларнинг 27 фоизини ташкил этади.

Умуман, дунё бўйича христианлардан кейин иммиграция бўйича мусулмонлар иккинчи ўринда туради.

Чунончи, дунё иммигрантларининг 27 фоизи ёки 60 миллион нафари ушбу дин вакиллари дир.

Уларнинг аксарияти Ҳиндистон, Покистон, Индонезия ва Филиппиндан бўлиб, асосан,

Саудия Арабистонида ишлашади. Оммавий равишда

иммигрантларни қабул қиладиган мамлакатлар Форс қўлтиғидаги давлатлар бўлиб, “Pew” тадқиқот маркази ўрганишларига қараганда, бу ерда 2 миллион нафардан зиёд христианлар, шунингдек, 1,4 миллион Ҳинду ва ярим миллион буддист иммигрантлар ишлаб, яшашади.

Яна бир қизиқ жиҳати шундаки, яхудийлар гарчи дунё аҳолисининг бир фоиздан кам қисмини ташкил қилса-да, жаҳондаги жами иммигрантларнинг 2 фоизи яхудийлардан иборатдир. Исроилда туғилган ҳар тўрт яхудийнинг бири бошқа жойда ишлаш учун иммигрант бўлиб чиқиб кетган.

ЎЗБЕК ҚАМОҚХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН ФАОЛ МАКТУБЛАРИ ТАШҚАРИГА ЧИҚАРИЛМАЯПТИ



Ўзбекистон қамоқхонасида сақланаётган инсон ҳақлари ҳимоячиси Ғайбулло Жалилов Тошкент вилоятидан Навоий вилоятига кўчирилган, бироқ яқинларига унинг қайси қамоқхонада сақланаётгани маълум қилинмаган.

Ғайбулло Жалиловга мактуб ёзаётган фарзандлари ва ота-онаси унинг жавоб хатларини олмаётганлари ҳақида айтадилар. Рафиқаси Муқаддас Темированинг Би-би-сига айтишича, Навоий вилоятининг Зарафшонда жойлашган жазони ижро этиш муассасасидан рус тилида ёзилган мактуб олган, ана шу мактубдан эрининг Тошкентга яқин Зангиота қамоқхонасидан бошқа жойга кўчирилгани ҳақида хабардор бўлган.

“Феврал ойида ёзилган хат роса бир ой давомида у ёқдан бу ёққа боришти. Охири почталонлар олиб келиб беришди. Лекин унинг конвертида фақат менинг номим ёзилган, қамоқхонанинг рақами ёки манзили ёзилмаган”, дейди Муқаддас Темирова.

У охириги марта турмуш ўртоғи билан ўтган йилнинг октябрида кўришганини айтади.

“Мен сиз билан кўришиш учун далага чиқиб пахта тердим. Ҳар килосига 120 сўмдан олдим. Шу йўл билан пул йиғиб келдим, деганимда, “бундай қийналиб менинг олдимга келма, яхшиси кизларимга кийим олиб бер, деб айтдилар”, дейди Муқаддас Темирова.

Ўшандан буён фақат бир марта Ғайбулло Жалиловнинг оиласи билан мулоқотига изн берилган.

“Ўтган йил 1 декабрида кўнғирок қилгандилар. Охириги марта ўшанда гаплашгандик”, дейди инсон ҳуқуқлари фаолининг рафиқаси.

Муқаддас Темированинг айтишича, фарзандлари ҳам, Ғайбулло Жалиловнинг ота-онаси ҳам қамоқхонага мактуб ёзишди, Ғайбулло Жалиловнинг ўзи ҳам жавоб хатларини ёзганини бир неча марта айтган.

“У кишининг хатлари нега бизга етиб келмайди, сабабини билмайман. Балки руҳсат йўқдир”, дейди Жалилов рафиқаси.

“Ўзим бориб Навоийдаги қайси қамоқхонада эканликларини билиб келмоқчи бўлиб турибман. Онам айтдилар: менинг феврал ойи учун пенсиямни беришса, сенга бераман, бориб эрингни кўриб келсан, дедилар”, дейди икки фарзанднинг онаси.

2011 йил бошида қамоқда сақланаётган Ғайбулло Жалиловнинг соғлигидан хавотирлар билдирилган, хатто рафиқаси қамоқхонадаги учрашув пайтида маҳбуснинг видолашгани ҳақида айтганди.

47 ёшли Ғайбулло Жалилов Шўро армиясида хизмат қилган йиллари бир ўпкасидан айрилган.

Ногиронлигига қарамасдан, у 2009 йил сентябрида ҳибсга олинган, дастлабки тергов пайти ва озодликдан маҳрум этилганидан кейин шафқатсиз қийноқлар тутилгани ҳақида хабарлар тарқалган.

“Шайхали” қамоқхонасида Ғайбулло Жалиловнинг қулоғига резина тўқмоқ билан уришгани оқибатида у эшитиш қобилиятини йўқотган.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячисини Қарши шаҳри аэропорти ва “Хонобод” ҳарбий базасини портлатишга тил бириктиришда айбдор деб топиб 13 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарилган.

Human Rights Watch халқаро инсон ҳуқуқларини сақлаш ташкилоти Ғайбулло Жалилов устидан чиқарилган ҳукмни қоралаган.

“Сохта айбловлар билан маҳкамага тортилган Ғайбулло Жалиловнинг айби исботланмагани учун у зудлик билан озод этилиши керак”, лигини айтган.

ҲИБСДАГИ ҲУҚУҚБОН ҒАЙБУЛЛО ЖАЛИЛОВНИНГ ОИЛАСИ БИЛАН СУҲБАТ.

Қашқадарёлик ҳуқуқбон Ғайбулло Жалиловнинг оиласи 31 март куни қамоқхоналар маъмуриятдан бир мактуб олди ва унга кўра, Ғ.Жалилов Навоий вилоятидаги қамоқхоналардан бирига ўтказилган, лекин унинг айна қайси зонага ташланганлиги номаълум. Туркистон вебрадиоси Ғ.Жалиловнинг аёли Муқаддас Темирова билан суҳбатлашди. Уни Тўлқин Қораевнинг лавҳасида тинглайсиз.

Қашқадарёлик ҳуқуқбон Ғайбулло Жалилов озод этилмади! Ўзбекистон мамлакат Конституциясининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан эълон қилинган умумий афв билан анча-мунча сиёсий маҳбуслар қамоқхоналардан озод қилиниши кутилганди. Аммо умидлар пуч, орзулар сароб бўлиб чиқди. Тошкент режими бир неча ўн нафар диний сабаблар билан айбланган айбсиз айбдорларни озод қилганлиги ҳақида маълумотлар тарқатди ҳам, аммо номи кўпчиликка таниш бўлган сиёсий ва диний маҳбуслар ҳамон турли жазо лагерларида жазо муддатларини ўташда давом этишяпти. Айни шундайлардан бири Қашқадарёлик ҳуқуқ фаоли, номини юқорида зикр этганимиз Ғайбулло Жалиловдир. Ҳуқуқбоннинг отаси Хайрулла Жалилов 31 март кунида қамоқхоналар маъмуриятдан бир мактуб олди ва унда таъкидланганидга кўра, Ғайбулло Навоий вилоятидаги жазони ўташ муассасаларидан бирига ўтказилган, лекин унинг айна қайси зонага ташланганлиги мактубда айтилмаган. Бу ҳақида ҳуқуқбоннинг оиласи Муқаддас Темирова инсон ҳақларини муҳофаза этувчи ташкилотларга маълумот берган. Қашқадарёлик бу ҳуқуқбон ўз фаолиятини 2003 йилдан бошлаганди. Асосан диний мотивлар билан қамоққа олинганлар ва судланганлар ҳуқуқлари мониторингларида иштирок этиб келиш билан, ўз кузатувларини ҳам олиб борган.

2009 йилнинг 5 сентябрь кунида номаълум шахслар томонидан Қарши шаҳрининг Улжабоева кўчасида ҳибс этилди ва кейинчалик Ғайбуллога ўн суткалик қамоқ жазоси, жазо муддатини ўтаётган кезде экстримистик гояларнинг тарқатганлик каби диний мотивлар, ҳамда террористик хуружга тайёргарлик кўрганлиги қўлланилиб курақда ҳам турмайдиган айбловларни қўллаш билан унга тўққиз йиллик жазога тайинланди. Бу ҳам кам экан шекилли, 2010 йилда тагин уни қора курсига ўтказиб конституцион тузумга тажовуз қилишлик (Ўз. ЖК нинг 159 ва 244 моддалари) айбини ҳам қўллаб салкам 12 йиллик муддатга жазо тайинланди. Туркистон вебрадиоси Ғайбулло Жалиловнинг аёли Муқаддас Темирова билан суҳбатлашди.

Суҳбатни Туркистон ТВ Радиоси сайти орқали тинглашингиз мумкин www.turkiston.tv/radio

ХУҚУҚБОН ҒАЙБУЛЛО ЖАЛИЛОВ ҚАМОҚДА МУТТАСИЛ ҚИЙНОҚҚА ТУТИЛМОҚДА



Қашқадарёлик ҳуқуқбон Ғайбулло Жалилов озод этилмади! Ўзбекистон мамлакат Конституциясининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан эълон қилинган умумий афв билан анча-мунча сиёсий маҳбуслар қамоқхоналардан озод қилиниши кутилганди. Тошкент режими бир неча ўн нафар диний сабаблар билан айбланган айбсиз айбдорларни озод қилганлиги ҳақида маълумотлар тарқалди ҳам, аммо номи кўпчиликга таниш бўлган сиёсий маҳбуслар ҳамоқ турли лагерларда жазо муддатларини ўташда давом этишмоқда. Айни шундайлардан бир Қашқадарёлик ҳуқуқ фаоли, исмини юқорида зикр этганимиз Ғайбулло Жалиловдир. Ҳуқуқбоннинг отаси Хайралла Жалилов 31 март кунда қамоқхоналар маъмуриятдан бир

мактуб олди ва унда таъкидланганидга кўра, Ғайбулло Навои вилоятидаги жазони ўташ муассасаларидан бирига ўтказилган, лекин унинг айна қайси зонага ташланганлиги мактубда айтилмаган. Бу ҳақида

ҳуқуқбоннинг оиласи Муқаддас Темирова инсон ҳақларини муҳофаза этувчи ташкилотларга маълумот берган. Қашқадарёлик бу ҳуқуқбон ўз фаолиятини 2004 йилдан бошлаганди. Асосан диний мотивлар билан қамоққа олинганлар, судланганлар ҳуқуқлари мониторингларидан иштирок этиб келиш билан, ўз кузатувларини ҳам олиб борган.

2009 йилнинг 5 сентябрь кунда номаълум шахслар томонидан Қарши шахрининг Ўлжабоева кўчасида ҳибс этилди ва кейинчалик Ғайбуллога ўн суткалик қамоқ жазоси, жазо муддатини ўтаётган кезде экстримистик ғояларнинг тарқатганлик каби диний мотивлар, ҳамда террористик хуружга тайёргарлик қўрганлиги қўлланилиб

курақда ҳам турмайдиган айбловларни қўллаш билан унга тўққиз йиллик жазога тайинланди. Бу ҳам кам экан шекилли, 2010 йилда тагин уни қора курсига ўтказиб конституцион тузумга тажовуз қилишлик (Ўз.ЖК нинг 159 ва 244 моддалари) айбини ҳам қўллаб салкам 12 йиллик муддатга жазо тайинланди.

Ғайбулло Жалилов қамоқ лагерларида муттасил қийноққа тутилмоқда ва бу ҳақида ҳам маълумотлар жаҳон жамоатчилигига тарқатилингандир. У муддатлик ҳарбий хизматни ўтаган кезида жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказган ва бир ўпкасининг ярми ампутация қилинган. Ҳозирда унинг қай аҳволда сақланаётгани эса унинг яқинларидан ҳам сир тутиляпти. Ҳеч қаерда ишламайдиган ва икки нафар фарзанди билан қолган Муқаддас Темирова эри Ғайбуллани Навои вилоятидаги қайси турмадан излашни ҳам билмай турибти. Ҳозиргача маҳбус Жалилов Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги колониялардан бирида сақланаётганди. Тергов-суриштирув органлари ва ҳатооки судда ҳам Ғайбулло Жалиловга қўйилган айбловлар ўз исботини топа олмаган, лекин бу ахир Ўзбекистон-ку. Бунда инсонларни бемалол, айбини ҳам исбот қилмай туриб ҳам қамоққа ташлаш, хўрлаш, ўлдириш ҳам мумкин.

Тўлқин Қореев

ЎЗБЕКЛАРНИНГ ДЎСТИМИ ДЕДИНГИЗ?

Бундан бир неча кун олдин бир ҳурматли акаимиз ва самимий дўстим билан суҳбатлашар эканмиз, шу дўстим бир гапни айтиб қолди: -Мана Станбулда Сурия халқи дўстларининг йиғилиши бўляпти. Улар бир орага келиб, Сурия халқига қандай ёрдам беришлари мумкинлигини муҳокама қилмоқдалар. Бу дунёда ўзбекларнинг дўсти йўқми?

Нега ҳеч ким бизга ёрдам бермайди? Ҳурматли акаимиз босиқлик билан аввало бутун халқларнинг, шу жумладан ўзбек халқининг ҳам мутлақ Дўсти-Волийси Парвардигоримиз эканлигини айтди. Бу маънога албатта ҳеч биримиз эътироз билдирганимиз йўқ. Аммо дўстимиз айтмоқчи бўлган фикр инсоният иродаси ичида халқимизнинг дўстлари борми, йўқми, маъносини билдирарди.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистондаги диктатура Суриядаги диктатурадан фарқ қилмайди. Ҳар икки давлатда ҳам инсон ҳуқуқлари паймол қилинмоқда. Ҳатто бу масалада Ўзбекистондаги аҳвол Суриядагига қараганда янада ваҳималироқдир. Ўзбекистонда ҳам Суриядаги каби муҳолиф ҳаракатлар тақиқланган, мингларча бегуноҳ кишилар Каримов зиндонларида азоб чекмоқдалар,



мингларчаси эса бу зулм тузумининг қурбони бўлиб кетди...

Аммо нега Суриядаги аҳвол БМТ муҳокама қилинади, 74 давлат бир орага келиб, Суриядаги диктатурани тугатишнинг йўларини излайдию, Ўзбекистондаги аҳволга ҳамма томошабин, ҳеч ким ҳеч нарса демайди? Бу саволга жавоб бериш албатта осон эмас.

Бу ерда айтадиган фикрларим, албатта, менга оиддир. Улардан тўғрилари ҳам, баъзилари эса нотўғри ҳам бўлиши мумкин. Менинг фикримча, аввало Ўзбекистон Сурия каби дунёнинг марказий ҳудудларида эмас, геополитик жиҳатдан бир “бурчакда” жойлашгандир. Иккинчидан, Ўзбекистон Сурия каби информацион “денгизида” ҳам жойлашмаган. Масалан, Сурияда инсонлар “Ал


Жазира”, бошқа араб каналлари, Оврупо аборот воситаларини кузатиб бориш имконига эга. Бизда эса бундай имкон чегараланган. Шунинг учун халқимизнинг Каримов диктатурасининг ваҳший башарасини таниб олиши унчалик ҳам осон бўлмаяпти. Яна ватанимиздаги аҳволдан дунё жамоатчилиги Суриядаги аҳвол каби яхши таниш ҳам эмас...

Бутун бу манфий омилларга қарамасдан, ўзбек халқининг умуман дўстлари йўқ, дейиш ҳам тўғри бўлмас керак. Менимча, Марказий Осиё халқлари ўзларининг умумий қадарга эга эканликларини яхши тушунишади. Айниқса, бу халқлар ичида соф эътиқодли ва яхши ахлоқли инсонлар ўзларининг биродарлар эканликларини яхши тушуниб етадилар. Қолаверса, Туркия ва Исрол дунёсининг бошқа давлатларида ҳам халқимизга хайрихоҳ бўлганлар топилади.

Бу масаладаги энг муҳим нуқта аввало ўзбекларнинг ўзаро дўст бўлишларидир. Бундай дўстликнинг шарти эса илм, имон, яхшилик, умуминсоний тараққиётнинг мусбат жиҳатлари, инсон ҳуқуқлари ва адолат йўлида ҳамкорлик қилишдан иборатдир, дея ўйлайман.

Йўлдош Абдулла ўғли

“АЛО, БЎШ ТАКСИ, КЕЧИРАСИЗ, БЎШ ЭШАК БОРМИ...”



Туркиянинг Сомонийли канали бугун бир ажойиб хабар тарқатди. (<http://www.kure.tv/samanyolu-haber-tv/Canli-yayin-izle/2/>) Италиянинг қишлоқларидан бирида инсонлар эшаклардан такси сифатида фойдаланаётган экан. Бу хабарни эшитиб, кулгудан ўзимни тутта олмадим.

Гап бу инсонларнинг ҳамма қишлоқ аҳли каби эшаклардан ўт ташиш ва шунга ўхшаш ишларда фойдаланиш ҳақида эмас.

Гап бу хайвонларни расмий идора руйхатидан ўтказиб, худди шаҳарда таксилардан қандай фойдаланилса, улардан ҳам шундай фойдаланиш ҳақида етмоқда.

Яъни, эшак жониворга эҳтиёжи бўлган одам унинг эгасига (бевосита ёки телефон билан) мурожаат қилади.

Агар “такси“ бўш бўлса, харидор унинг хизматидан пулини тўлаб бемалол фойданала олади.

Бу “такси” эгаси ўз молини шундай таъриф қилади:

Эшак от емайдиған ўтларни ҳам еб кетаверади, кейин гўнг бўладиган нарсасини ҳам томорқага тўкишни яхши кўради.

Италия каби дунёнинг тараққий қилган давлатидан бундай хабарни эшитиб мен кулдим? Сиз-чи? Ахир инсон бир томондан космосга учаяпти, бошқа томондан “сотовой” телефонни кўлига олиб, “ало, бўш такси, кечирасиз, бўш эшак борми”, демокда-да...

Бу хабарни эшитиб, Насриддин афандининг бир латифаси ҳам ёдимга ҳам тушди: Кўшнисе Афандидан, худди бугун итальянлар пуллик ижарага олгани каби, эшак жониворни сўраб келганда, афанди эшак уйда йўқ деган экан.

Шунда эшак жонивор охил тарафдан ханграй бошлабди.

Кўшнисе Афандига: Эшак уйда экан-ку, деганда Афанди шундай деган экан:

Сиз кимнинг гапига ишонасиз ўзи, менгами, эшакками?

Хабарчи: Жавлонбой

СОМОННИ ҚИШДА ЕЙСАН



(Латифа)

Бир камбағал ўзбек туркман қариндошиникига меҳмонга борибди. Қараса унинг уйда ейишга ҳамма нарсаси – уни, ёғи, гўшт ва сабзи пиёзлари бор экан.

- Бундай мартабага қандай эришдинг? – деб сўрабди хайратини яширолмай ўзбек.
- Ҳеч сўрама, – дебди туркман, – уйда ейишга ҳеч вақоим қолмаганди. Шунда бир кулпта сомонни олиб президент ўтадиган катта йўлга чиқиб ўтирдим. Туркманбоши кортежи яқинлашиши билан олдимдаги сомонни ея бошладим. Президент кортежни тўхтатиб, олдимга келди “Нега сомон еяпсан?” деб сўради. “Ейишга ҳеч нарсам йўқ бошқа, очман” деб жавоб бердим. Шунда у ёнидаги вазирларига “Бу одамнинг муаммосини шу бугуноқ ҳал қилинглари!” дея буюрди. Эртасигаёқ уйимга бир қоп ун, гўшт, бошқа бир қопда сабзи пиёзлар ташлаб кетишди.

- Нега шу нарсани менинг ҳаёлимга келмабди? – дея туркманнинг тутган йўлини тақрорламоқчи бўлибди ўзбек. Уйига қайтиб келиши билан режа тўзиб, бир қисм сомон олиб Каримов ўтадиган Тошкентдаги президент шоссесига келибди.

Кортеж яқинлашиши билан у ҳам бамайлихотир сомонни ея бошлабди. Каримовнинг тансоқчилари уни уриб ҳайдашмоқчи бўлишибди. Бироқ машинадан тушган Каримов бу ғайриоддий манзарадан ажабланиб тансоқчиларини тўхтатибди.

- Нега сомон еяпсан?
- Бошқа егани нарсам йўқ...
- Сомонни қишда ейсан, ҳозир... ана кўча куйда ўт-ўланлар ўсиб ётибди, ўшаларни е! – дебди Каримов.

ЎЗБЕКЛАР ВА ТОЖИКЛАР ЎЗАРО ДУШМАНМИ?



Гапни индаллосидан бошлайлик: ўзбеклар ўзбошимча ўзбек, тожиклар эса ўзбошимча тожик бўлиб қолмаган. Ўзбекнинг ўзбеклигини, тожикнинг тожиклигини илоҳий қадар белгилагандир. Арабининг араблиги ҳам, руснинг руслиги ҳам худди шундайдир. Демак, халқлар фақатгина бир-бирларидан фарқли бўлганликлари учун ўзаро душман бўла олмайдилар, ўзаро душман бўлмасликлари керак. Зеро, инсонлар бир миллат бўлганларида ҳам барибир улар орасида душманлик кўтарилмас эди. Чунки инсон билан бирга шайтон, деган лаънати фитначи бор экан, ўзбегу тожикнинг, қирғизу козокнинг ёки бошқа миллатларнинг ўзаро душманлигини бир четга қўйиб турунг, ота ва боланинг ҳам ўзаро душман бўлишлари ҳеч гап эмас... Ўзбеклар ва тожикларнинг айни худудда яшашлари ҳам уларнинг ихтиёри билан ўртага чиқмаган. Тарих деган илм ўртага чиққандан ва у ўз ҳақиқатини ёза бошлагандан бери бу халқларнинг қўни-қўшни бўлиб яшаб келаётгани ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам ўзбекларнинг бир қисми кундалик ҳаётда ўзбекча ва тожикча гаплашганлари каби, тожикларнинг ҳам бир қисми кундалик ҳаётларида тожикча ва ўзбекча гаплашиб келганлар ва келмоқдалар. Яъни, бу халқларнинг бир қисмига икки тиллик ҳам қисмат бўлган, десак хато бўлмайди. Аллох таолонинг ҳидояти билан бу икки халқ ҳам Исломига эргашганлар. Аҳоли мусулмон бўлгани учун, тиллар айри бўлса ҳам, дилларда яқинлашув бўлган. Ўзбегу тожик орасида биродарлик, қуда-андачилик, тижорат, зиёрат каби икки халқни бир-бирига боғлаб турадиган ришталар ўртага чиққан...

Шу ҳақиқатлар ўртада экан, нима бўлди-да, бу икки халқ бугун ўзаро душман сифатида кўрсатилмоқда ёки шундай кўрсатишга уринилмоқда. Бунинг асосий сабаби Исломи Карим деган “зот”да Исломининг маъноси бўлган тинчилик руҳининг, Имомали Раҳмон деган “зотда” эса имомликнинг маъноси бўлган яхши раҳбар руҳининг йўқлигидир. Бугун ўзбегу тожикнинг ўртасидан мана шу икки “қора мушуклар” ўтиб қолган. Бу икки “қора мушук” ўзларини оқ қилиб кўрсатаман,

(Давоми кейинги бетда.)

ЎЗБЕКЛАР ВА ТОЖИКЛАР ЎЗАРО ДУШМАНМИ?

(Давоми: боши олдинги бетда)

яъни машхурликда ва манманликда бир-биридан ўзишга уринаман, деб ўзбегу тожикнинг бошига қора кунларни солаётгани айнан ҳақиқатнинг ўзидир. Хўш, ўзбегу тожик орасида табиий (нормал) алоқалар қандай бўлиши керак? Бугунги кунда Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам мустақил давлатлардир. Аммо бундай мустақиллик икки давлат ўртасида черагарларнинг ёпилиши, ўзаро виза жорий қилиш (ахмоқликни қаранг), мен сенга сув бермайман, мен сенга газ бермайман каби ҳар икки тарафга ҳам зарарли бўлган сийёсат олиб боришни билдирмаслиги керак. Аксинча бу икки мустақил давлат орасида чегаралар очиқ бўлиши, визалар бекор қилиниши, фуқароларнинг ҳар икки давлатга саяҳати эркин бўлиши керак. Тожикистонда давлат тили тожикча бўлсада, бу мамлакатда яшайдиган ўзбекларга мактабларда ўз тилларини ўрганиш имкони яратилиши керак. Ўзбекистонда давлат тили ўзбекча бўлсада, бу мамлакатда яшайдиган тожикларга мактабларда ўз тилларини ўрганиш имкони яратилиши керак. Тожикистон ва Ўзбекистон олий даргоҳларида ўзбекча ва тожикча факултетлар бўлиши ҳам мақсадга мувофиқдир. Урф-одатлар бир, дастур-хонларда айни таомлар, булар ҳақда гапирмасак ҳам бўлади. Хуллас, ўзбеклар ва тожиклар қадимдан айни ҳудудда яшаб келишган. Бу халқлардан бир қисмининг икки тиллилик эканликлари ҳам тарихий ҳақиқатдир. Шундай экан, ўзбегу тожик орасида ҳамкорлик, яхши кўшнилик, бир-бирини қўллаб-қувватлашдан бошқа чора борми? Ўзаро низодан, душманликдан, урушдан кимга фойда? Бундан фақатгина Ислом Карим ва Имомали Раҳмон дейилган “қора мушуклар” гина фойдаланиши мумкин. Ўз давлатларида ўзбегу тожикни бир-бирига қарши қайраш ва шу йўл билан ўзаро муносабатларда душманликни ортириш орқали Ислом Карим ва Имомали Раҳмон ўзларининг диктатураларини мустаҳкамлашга уринмоқдалар. Шунингдек, бу икки халқ орасида ирқчилик йўлида бўлган, узокни кўра олмайдиган, тожик яхши ўзбек ёмон, ўзбек яхши тожик ёмон, дейдиган чаласавод, жоҳил фитначилар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Шундай экан, бу халқларнинг илми, имонли, адолатпарвар ва тараққийпарвар инсонлари ҳамкорликни йўлга қўйиб, халқларимиз орасини бузаётган мана шу икки “қора мушукни” Ўзбекистон ва Тожикистондан қувиши ва уларнинг жоҳил малайларига ҳадларини билдиришлари керак бўлади.

Фурқатбек.

ОБИДХОН ҚОРИ НАЗАРОВНИНГ ВОЛИДАСИ ВАФОТ ЭТДИ



Ўзбекистондан олинган хабарларга кўра, суиқасд ҳужумига учраб, феврал ойидан буён комада ётган таниқли имом Обидхон қори Назаровнинг онаси Муҳаррам ҳожи ая 74 ёшида дунёдан кўз юмган. Бундан 10 йил бурун йиқилиб, оёғидан қаттиқ шикаст олинган ая кеча, 2 апрел куни кечкурун жон таслим қилган.

Муҳаррам ая етти фарзандга оналик қилган. Обидхон қори Назаров аянинг тўнғич фарзанди бўлган. Аммо қолган уч ўғли ҳам Ўзбекистонни тарк этиб, бир неча йилдан буён муҳожиратда истиқомат қилиб қелишган. Яқинларига кўра, Ўзбек ҳукумати томонидан ўғилларига ўтказилган тазйиқлар туфайли Муҳаррам ая кўп руҳий азоб чеккан.

Уларнинг айтишларича, ая, “Энг оғир ғам - иймон ғами”, деган сўзларни кўп такрорлаган.

Муҳаррам аянинг дафн маросимида муҳожиратдаги ўғилларидан бирортаси иштирок эта олмаган. Ая бугун қизлари ва куёвлари томонидан Наманган шаҳрида дафн этилган.

Яқинларига кўра, Муҳаррам ая ўлимига қадар тўнғич фарзандининг суиқасдга учраб, кома ҳолатида ётганидан беҳабар бўлган.

Фарзандларининг айтишларича, аянинг аҳволи оғир экани сабаб, бу хабарни у кишига билдиришни лозим, деб топишмаган.

Ҳануз кома ҳолатида Яқинда таниқли имомнинг ўғли Довудхон Би-би-си билан суҳбатда дадасининг аҳволи ҳамон оғирлигича қолаётганини айтганди.

Обидхон Назаров бир ой муқаддам Швеция шимолидаги Стромсунд шаҳарчасида номаълум қуролли шахс томонидан отиб кетилган эди.

Суиқасд амали ортидан аҳволи оғирлашган Обидхон Назаров Умео шаҳридаги шифохонага олиб кетилган.

Унинг ёнида бўлган Довудхонга кўра, отасининг соғлигида “бир ойдирки, ҳали бирор бир жиддий ўзгариш бўлгани йўқ”.

Ўзбекистон ҳукумати Обидхон Назаровни “Ваҳҳобийлик” диний-сиёсий оқимининг Ўрта Осиёдаги раҳнамоларидан бири сифатида кўради.

Бирок Обидхон Назаров ҳукуматнинг бу даъволарини давомли рад қилиб келган. 1998 йилда у сирли равишда ғойиб бўлиши ортидан, Обидхон Назаровга алоқаси бўлган ўнлаб шахслар қамоққа ташланди.

Бир неча йил муқаддам унинг ўғли Ҳусниддин Назаров милиция томонидан сўроқ қилинишидан қўп ўтмай бедарак йўқолди.

ТАЪЗИЯ

**Инна Лиллаҳи ва инна илайҳи
рожибун.**

Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз».

Бугун Ўзбекистондан олинган нохуш хабарга қараганда Обидхон қори Назаровнинг Наманганда яшаётган оналари Муҳаррамхон Назарова 73 ёшларида вафот этганлар. Марҳумани эртага қабрга қўйишлари маълум қилинди. Золимлар зулми туфайли Онахоннинг ўғиллари охириги дамда оналарининг ёнида бўлиш имконидан маҳрум бўлдилар.

Дийдор киёматга қолди. Биз Онахоннинг қабрларини мунаввар қилиб, жаннат боғларидан бир боғ қилишини Аллоҳу Таъолодан сўраб қоламиз. Ва Марҳумани узок яқиндаги фарзандларига ва яқинларига Сабри Жамил тилаймиз. Шу билан бирга қатта ўғиллари Обидхон Қорига Аллоҳу Таъолодан шифо қомил тилаб қоламиз. Имон йўлида оғир синовларга учраган бу хонадон аҳлининг дардига ҳамдардлигимизни изҳор этамиз.

**Инна Лиллаҳи ва инна илайҳи
рожибун.**

Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз».

ЎХХ Муассислар Мажлиси аъзолари

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

ГУЛНОР (роман)

Икки ой давомида Мажид Дўзалдан тоғчилик (алпинизм) санъатини ўргандилар. Аскарлик даврида қомандос машқларидан ўтган Ўғуз учун тоғчилик унча қийин бўлмади. Гулнор ҳам тез ўрганди. Август ўрталарида Агри тоғларига тирмашдилар. Муваффақиятли кечди тирмашув. Мажид Дўзал ёш ошиқларнинг Олтой тоғларига кетиши мумкинлигини айтди. У ишни Мўғилистон худудидаги Боён ўлгий аймағи (вилоят) даги тоғлардан бошлашни ва йўлкўрсатувчи сифатида ўша бўлгада яшаган Жамшид исмли қозоқ тоғчи йигитни олишларини тавсия қилди. Ўғуз билан Гулнор август охирида Улан-Баторга, у ердан Боён ўлгийга учдилар. Шаҳарчанинг кичик отелида икки кун туришди. Кейин Жамшид йўлбошчилигида бир “Жип”да Олтой тоғлари томон йўлга тушдилар. 1500 метрлик бир қоя этагида чодирини тикдилар. Чўкичлар, арконлар билан метин қояга тирмаша бошладилар. Юксалиш оғир бўлди. Пешиндан сўнгги манзиллари юксакликдаги бир супадан пастга назар ташлаганларида гўзал манзара пайдо бўлди. Чексиз оқлик ва пастда тиккан чодир каби мовий кўк. Теран-теран нафас билан ўпкаларини тўлдиришди. Ўғуз: Бугун бу ерда тунасақ бўлмайдимиз?, деди. –Йўқ, – деди Гулнор, – юраолганимизча юришимиз керак. Жамшид: –Бу ерда тунаш олмаймиз, кечалари шамол кучли бўлади, ундан беркинадиган жой йўқ. Соат 19-да етишган қоялик бир манзилда чодир қуришди. Тоза, мовий осмонни томоша қилдилар ва эрта уйкуга ётишди. Гулнор тушида Тейирканга саёҳат қилди. Отаком билан гаплашди. “Мен келаяпман, ота”, деди Гулнор. У бўшлиқда юриб борар эди. Атроф бўшлиқ эди. Оёғи остида ҳам бўшлиқ эди, аммо у юриб борарди. Юлдузларга тегиб, сочларини ёйиб, чопиб борарди. Бир бўри тоғлардан тушиб Ўғузнинг юзини ялади. Кейин қорга оёқларини богириб-чиқариб узоқлашди, ғойиб бўлди. Ўғуз эса бўри терисига бурканди, чўккига чикди, уилади. –Болалар, қуёш чикди, туринглар!, – деди Жамшид. Қушпати билан тўлдирилган тўшакларни тахладилар, кийиндилар, камарларини тақдилар.

Нонуштага ёғ ва бол едилар. Ёш ва кучли тойлар каби қор устида сакрадилар. Қўлларидан темир асо, темир чўкич йўлга тушдилар. Қоялардан илон каби, тепалардан бўрон каби кечдилар. 3500 метр чуқурликдаги муздан пайдо бўлган жар устига келдилар. Жар лабидан юриб, ўтиш йўли ахтара бошладилар. Тушга яқин бир муз кўприк учради. Жамшид синаб кўрди, мустаҳкам эди кўприк. Бир одим отди, икки одим... Етти одимда жарнинг нариги қирғоғига ўтди. Гулнор ўнг оёғини кўприкка қўйди, кейин сўл оёғини. Ўғуз унинг орқасидан келарди. –Гулнор, орқага қайт, – дея бақирди бирдан Ўғуз ва Гулнорнинг қўлидан тутди. Аммо кечиккандилар. Муз кўприк парча-парча бўлиб жарга уча бошлаганди. –Ўғуз!, – деб бақирди Гулнор. –Гулнор!, – дея хайқирди Ўғуз. Ўғуз, Гулнор, муз парчалари, қор тўзонлари ва инсон хайқириклари аралаш-қуралаш пастга тушарди. Жамшид жар канорида хайкалдай қотиб қолганди. Ўғуз билан Гулнор юмшоқ ва ҳўл бир нарсанинг устига тушдилар. Бу ер остидан чиққан ирмоқ эди. Ўғуз Гулнорнинг қўлидан ушлади ва: –Соғмисан, Гулнор?, – деди. –Соғман, аммо жуда совуқ, – деди Гулнор. –Сабр қил, севгилим. Аввал сувдан чиқайлик, – деди Ўғуз. Аммо чиқадиган ер хадеганда кўринавермади. Ниҳоят оёқларига ер тегди. –Жамшид!, – деб бақирди Ўғуз. Аммо ўз сасининг акс-садосини эшитди холос. Сув оқими уларни моғора ичкарисига судраганди. –Сувнинг оқиши йўнида кетсак, ер юзига чиқамиз, – деди Ўғуз. –Йўқ, деди Гулнор, сув келаётган томонга қараб юришимиз керак. Излаганимизни фақат ўша тарафда топишимиз мумкин. –Севгилим, усти бошимиз ҳўл, сен совкотаяпсан, бу ердан тезроқ чиқишимиз керак!, – деди Ўғуз. –Эргенаконга яқинлашдик, буни ҳис қилаяпман Ўғуз, илтимос, ўша томонга юрайлик, – деди Гулнор. Ўғуз Гулнорнинг ўжарлигига кўниккан эди, кўп қаршилик кўрсатмади. Кийимларини ечиб, фақат ич кийимда қолдилар. Чиқарилган либосларини сиқиб, халталарига ёйдилар ва мағора каноридан сув келаётган тарафга қараб кета

бошладилар.

Махмат бу қадар яшилликни бир ерда кўрмаганди. Ёнғоқ дарахтлари водийнинг ҳар тарафини қоплаганди. У бунча юксак теракларни ҳам биринчи кўриши эди. Махмат азалдан юксак ва катта дарахтларни севарди. Аммо тераклар нақадар юксак бўлмасин, ёнғоқ дарахтининг эҳтишомини бераолмасди. Ёнғоқ дарахтлари бутун атрофга шохларини ёйгандилар. Махмат водийнинг баланд бир ерига иншо этилган бино балконида манзарани томоша қиларди. У тонг салқинини бой бермаслик учун эрта уйғонганди. Бу гўзалликнинг ўз ўлкасида, Анқарадан бор-йўғи икки ярим соатлик масофада эканлигига, бу кишлокни шу кунгача кўрмаганига хайратланарди. Уй Иброҳим Гуларнинг дала ҳовлиси эди. Унинг дўстининг оти ҳам Иброҳим Юлдуз эди. Иккалови ҳам рақини хуш кўрарди. Иброҳим Юлдузга: –Эллик ёшга кирдинг, бунинг шарафига битта қўй сўймасанг бўлмайди, – дейишди дўстлари. –Қанақа эллик, эллик икки бўлди ёш. Аммо сизга бўлим бошлиғи тайинланганим учун бир қўзи сўяман. Аммо битта қўзи етмас, иккита бўлиши керак. Махмат Гунаш хонимга машина олди, унинг шарафига яна биттасини сўямиз, – деди Иброҳим Юлдуз. Ва оилалари билан Гуларнинг дала ҳовлисига келишганди. Кеча оқшом икки Иброҳим узок суҳбатлашишди. –Шундай ҳам азон айтадим шундай гўзал кишлокда, бундай хунук овоз билан азон айтиш мумкинми, – дерди Иброҳим Юлдуз, – Бу муаззинни қаердан топдингиз? Мен ўзим бир азон ўқий... –Зарари йўқ, кел яхшиси илохий айтайлик: Шул жаннатнинг ирмоқлари оқар Оллоҳ дея, дея, – деб Юнус Эмрадан ўқий бошлади Иброҳим Гулар. Икки дўст тонггача шундай давом этишди, аммо Махмат эрта ётганди. Ва эрта уйғониб водий гўзаллигини томоша қиларди. Махмат беихтиёр бу кучли яшилликнинг манбасини ахтара бошлади. Баҳайбат ёнғоқ дарахти тагида Ўғуз билан Гулнор кўрингандай бўлди.

(Давоми кейинги бетда)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

ГУЛНОР (роман)

Сарғая бошлаган бир япроқни олиб, Гулнорнинг сочларига тақди Ўғуз. Кейин иккалови бир бўлди, дарахт шохлари оралаб юксала бошладилар, кейин кўздан ғойиб бўлдилар.

–Алло, Маҳмат, оқ кўпик яна қачон пайдо бўлади?, – телефондаги овоз Турғутнинг овози эди.
–Қайси оқ кўпик?, – деди Маҳмат.
–Хазор денгизи соҳилидаги Гулнорнинг сочига қўнган оқ кўпик, – деди Турғут.
–Билмайман, Турғут, – деди Маҳмат, – Гулнор билан Ўғуз Олтой тоғларига кетишганди. Бир ойдир улардан дарак йўқ.
–Нима деяпсан, оғайни нимадан хавотирланаяпсан, улар роман қаҳрамонлари-ку, – деди Турғут.
–Тошкентда сенга йўлкурсатувчи бўлган Гулнорни менга сен тушунтирмадингми, Турғут? У қанақа роман қаҳрамони бўлади? Хазор тўлқинларидан сачраган кўпикни фақат мен кўргандим. Гулнорга бўлган муҳаббат йилларча ичимда гизли қолди. Кейин Гулнор билан Ўғузни кўрдим. Бугун бу ёшлар менинг умидим. Бир ойдан бери улардан дарак йўқ. Аммо биламан-ки, улар Эргенаконни топажаклар. Балки топгандирлар.
–Сен ташвишланма, Маҳмат, улар мутлақо топган бўлишлари керак. Балки топгани учун ҳам у ердан келолмаётган бўлишлари мумкин.
–Балки шундайдир, Турғут.
Акс холда менга мутлақо хабар беришган бўлишарди.
–Кутайлик-чи.
–Майли, кутайлик.
Телефон трубкасини қўйиб, Турғут ўйлашиб қолди. У жон дўсти Маҳматдан асарнинг давомини сўрамоқчи эди, Маҳматнинг романини илк ўқиغانлардан бўлишни истаётганди. Аммо Маҳматнинг гаплари...
Эржияс тоғига тирмашган Мажид Дузалнинг икки тоғчи билан қор кўчими остида қолиб, ҳалок бўлгани Маҳмат Эрйигитни қаттиқ асабийлаштирганди. Бу ёш ва бакувват одам шунчаки жўн ўлишлиги керак эди Маҳматнинг назарида. Элбрус, Олтой чўккиларига кўтарилган одам учун Эржияс нима эди?
Ўғуз ва Гулнор унинг охириги шогирдлари эди. Ёки улар ҳам у лаънати қор кўчими остида қолишдими?
Маҳмат Боён ўлғийдаги отелда Мажид Дулални кутган кунларини эслади. Олтой тоғларида икки марта ўлим билан юзма-юз келганди

Мажид ва буни эслаб куларди. Ўлимдан қулган одам эди у.
–Юлдузлар остида абадий ухла, Мажид бей, – деди Маҳмат.
Ўрнидан туриб қоғоз, қалам олди. “Тоғ одам” деб қўйди сарлавҳани. “Оқ тоғларга дўст тутинганди, – дея ёза бошлади Маҳмат, – Чўккилар кўк юзида ўпишарди. Чўккиларда мовий кўзли, хипча одам кўлларини кўкка чўзарди зафари учун шукр этиб. Оқ байтал каби эди тоғлар, у эса ваҳший отларнинг суворийси. У мовий кўкда олтин ранг чизги эди. Чўккига қадаган ой-юлдузли байроқ кўлкасида мовий нигоҳли, олтинранг чизги. Уфқлардан нарисини хаёл қиларди, унинг учун водийлар тор ва қоронғу туюларди. Уфқ фақат тоғлардан боқанда кенгаяларди. Фақат тоғлар қоронғу пастиликларга исён этарди. Исён юксалган сари оппоклашарди, юзини, мағрур бошини самога йўналтирар эди. Тарихнинг бутун исёнкорлари унинг дўстлари эди. Кўрўғли бир тоғ эди. Тоғлар Кўрўғли эди. Мовий кўзли сариқ одам Кўрўғли эди. Эски дунёнинг тоғлари уни ўзига ром этганди. У Агри тоғларининг, Элбрус ва Помирнинг оқ ёлларидан тутиб, сокинлаштирганди, бўйсундирганди. У Эргенакондан чиққан отликлардан бири эди холос. Бир миллион йил аввал тоғнинг темирини эритганди. Энди чўккиларда эди. Кўк байроқ кўзлари билан уфқка боқарди. Унга рўпара чўккида бир бўзбўри увларди. У Ўғуз ҳоконнинг қирқ йигитидан биттаси эди. Исми, балки, қипчоқ эди. Нозик бел, ияги туртиб чиққанди. Қулганда инжу тишлари порларди. Ўша он ёноқ суяклари бўртиб чиқарди. Ва мовий кўзлари чакнарди.
Олтой этакларида бирга эдик. Ўрхунда бирга чўмилгандик. Ўтуркн яйловларида бирга от чоптиргандик. Мангутошли кечаларида қоронғу осмонга қараб, уйкуга кетгандик.
У ваҳший чўккилар билан курашиб, қайтиб келганди. Балки қайтиб келмади, ўша Олтой тоғларида қолгандир. Сен фақат тоғларга кўмилишинг мумкин эди, тоғларга кўмилдинг. Тўрт девор орасида мискин ва сафил руҳлар яшайди. Сен эса мовий кўзларинг билан чўккилардан боқаяпсан менга.”

Сал нарида ёруғлик кўринганида Ўғузнинг дармони тугаб, битганди. Икки соатдан бери Гулнорни кўтариб, йўл юрарди. Гулнорнинг бадани ўт бўлиб ёнарди, ҳарорати

қирқка чиққанди. Аспирин ҳароратни туширмади. Аммо кўринган ёруғлик Ўғузга қувват берди. Фавқулодда матонат билан олдинга юра бошлади, бир неча дақиқа сўнгра кўзларига қуёшнинг кескин нурлари урилди, Гулнорни қуёшга тўғри узатди ва ерга йиқилди.

Беш дақиқа сўнгра ўрнидан турди, кийимларини яшил ўтлар устига отди. Мажид Дузал танлаган дориларни халтадан ерга тўқди. Юксак ҳароратга қарши таблетни Гулнорга ичирди. Гулнор ҳали ҳам ўзига келмаганди.
–Топдик, Гулнор, – деди Ўғуз, – Эргенаконни топдик. Кўзингни оч, севгилим. Қара, қуёш нурини сенга сочаяпти, қушлар сенинг учун сайрашапти. Кўзингни оч, гўзалим. Ердаги ўтларга қара, улар сенга кулимсираяпти. Сен ҳам кулимса, гўзалим. Яшил кўзларингни менга кўрсат, менга. Биласан, улар мени яшатади, бундан маҳрум этсанг мен ҳам яшамайман, севгилим. Гулнор қабоқларини ярим очди, фақат бир сония яшил нигоҳлари Ўғузга боқди.

–Ташаккур, севгилим, ташаккур, – деди Ўғуз ва Гулнорнинг сочларини силади. Кейин ўрнидан туриб хўл кийимларни гуллар устига ёйди. Сув каноридаги тошлардан ўчоқ ясади, олов ёқди. Ялпиз каби бўй таратган ўтларни тўплаб, қайнатди, Гулнорга ичирди.
Ўттиз олти соат сўнгра, тонгда Гулнор кўзларини очди.
–Қара, севгилим, – деди ҳолсиз овоз билан Гулнор, – шу мис рангли тоғларнинг интизомли тизимига қара.

–Кўраяпман, жоним, фақат ўзингни чарчатма. Сен ҳақли эдинг. Сендан шубҳаланмаслигим керак эди. Мана, сен айтган Эргенакондамик, фақат сен ўзингни чарчатма, гапирма.

Гулнор кўзларини юмиб жим бўлди. Тушга қадар чуқур уйкуга кетди.

Ўғуз икки кун давомида турли хил тузоқлар кўриб овлаган қўён ва қушлардан тушлик емаги тайёрлади. Гулнорни қабоқ хиди уйғотди. Ўғуз кўзларини очган қизнинг кўзларидан, бўйнидан, елкаларидан узоқ-узоқ ўпди. Кейин булоқ сувидан ховучларига тўлдириб, ичирди.

Гулнор оёққа турди, той каби ўйнади чаманлар устида. Ўғузни йиқитди, у билан курашди, Мурод олиб, мурод берди.

(Давоми келгуси сонда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Ёғлар

Инсон вужудининг ёғга эҳтиёжи бор: хужайра деворларида 50-60 % ёғ бор. Ёғ тери остида, аъзоларнинг ва мускулларнинг атрофида тўпланади ва аъзоларни ташқаридан келган хавфлардан сақлайди. Баданнинг иссиқ ва сув йўқотишининг олдини олади. Тери остидаги ёғ терига эластиклик ва гўзаллик беради, яраланиш ва яллиғланишдан сақлайди. Соч, қил, териларни юмшатади ва порлатади. Бундан ташқари, ёғ ҳам эриган витамин ва озиқ моддаларни ташийди ва сингишига ёрдам беради. Ошқозонни секин тарк этиши сабабли тўқлик хиссини беради.

Тўймаган ёғлар “Омега-3” ва “Омега-6” хужайра деворларининг тузилиши, хужайранинг ўсиши ва бўлиниши, қон босими ва холестерин миқдорининг мувозанатлашишига, томирларда қон қуюқлашуви ва ёғ бирикишининг олдини олишда, томирлар зарарланишининг камайиши ва тузалишига ҳамда иммунитет тизимининг ишлашига ёрдам беради.

Инсон бадани идеал ўлчовдаги “омега” ёғларини зайтун ёғи, ёнғоқ, ёнғоқ ёғи, зиғир уруғи ва ёғи, ёғли балиқ, янги тухум, семизўти ва уруғи, қичитқи ўти (газанда) ва уруғи, ва барча яшил баргли сабзавотлардан олади.

Ловия ва кунгабоқар ёғлари ҳам омега ёғига бой. Фақат бугунга келиб, улар ёғ синфидан чиқиш арафасида. Чунки ловия ва кунгабоқар ёғларини ишлаб чиқаришда фақатгина GM уруғлар қўлланилади.

GM маккажўхори, GM кунгабоқар ва кўплаб GM уруғларидан олинган суюқ ёғлар гидроген қилинмаган бўлсалар ҳам, ҳазм бўлмайди. Чунки табиатда мавжуд бўлмаган, яратилмаган таом учун ҳазм тизими ҳам яратилмаган. (“GMO” бўлимига қаранг.)

Ўсимлик ёғлари азалдан уруғлардан совуқ сиқиш йўли билан олинади эди. Бугун эса ёғ экстракти сиқиш машиналари томонидан 110°C иссиқликда ва юқори босимда токсик кимёвий ёғ ажратувчилар ёрдамида олинади.

Қўлланилган бу иссиқлик, босим ва кимёвий ажратувчилар бойитилмаган ёғ кислоталарининг углерод боғларини узади, якка-якка радикал моддалар ҳосил қилади ва улардан химоя қилувчи “Е” витаминини йўқ қилади.

Бу жараёндан ўтган зиғир уруғи, кунгабоқар ва жўхори ёғлари каби ўсимлик ёғлари саратон, қандли диабет, жигар касалликлари ва мияда юзага келадиган муаммоларга сабаб бўлади.

Экстракциядан кейин баъзи ёғлар гидрогенлаштирилади.

Маргаринлар, буткул ва қисман гидрогенлаштирилган ўсимлик ёғлари бу гуруҳга киради.

Гидрогенлаштирилган ёғлар:

Кунгабоқар, жўхори, пахта ёғи каби ёғлар ёниш даражасини кўтариш, чидамли ҳолга келтириш ва тоза сақлаш муддатини ўзайтириш учун гидрогенлаштирилади.

Гидрогенлаштириш – суюқ ёғларнинг молекуляр таркибига юқори босимда катализатор билан гидроген атомларини қўшиб, суюқ ёғларнинг кимёвий таркибини ўзгартиришдир. Ёғлар табиий бўлсалар ҳам, бу жараёндан кейин таомлик хусусиятини йўқотишади. 1940 йиллардан бошлаб қилинган тажрибаларнинг кўрсатганидек, гидрогенлаштирилган ёғлар саратон, юрак ва қон томир касалликлари, қанд диабети, обесит, юқори холестерин, иммунитет тизими касалликлар ва бошқа бир қатор муаммоларнинг сабабчисидир.

Маргарин ишлаб чиқарилаётганда кунгабоқар, ловия, хурмо ва жўхори ёғи каби турли ўсимлик ёғлари аралаштирилади ва никель катализатор билан гидрогенлаштирилади. Бу жараёнда ёғда эриган глицерол ва лецитин (чўчка глицероли ва лецитини бўлиши мумкин) каби эмулгаторлар, А, Д, Е витаминлари ва маргаринга таъм ва ҳид берадиган сариеғ, зайтун аромати каби табиийга ўхшаш ароматлар қўшилади.

Цитрик, лактик кислота, калий сорбат каби турли сакловчи моддалар, сув, ёғсиз сут кукунни, туз қўшиб, аралаштирилади.

Бунинг натижасида маргариннинг кимёвий таркиби билан пластмассанинг кимёвий таркиби ўртасида фақатгина бир молекула фарк қолади. Синтетик модда хусусиятларига эга бўлган маргаринни инсон ёки ҳайвон ҳазм тизимининг ҳазм қилиши имконсиздир.

Гени ўзгартирилган уруғлардан олинган ёғлар, гидрогенлаштирилган суюқ ёғлар ва маргаринларнинг зарарлари:

Ҳазм бўлмайди, танада тўпланади. Жигарни бузади, хуснбузарларни кўпайтиради.

Ёмон холестеринни оширади, яхши холестеринни туширади.

Томирларда тўпланади ва уларни торайтиради, қаттиқ тикилишларни ҳосил қилади.

Қон босимининг юксалишига сабаб бўлади.

Асеросклероз ва коронар юрак касаллиги ва саратон хавфини кўпайтиради.

Она сутини камайтиради ва сифатини туширади.

Иммунитет тизимини заифлаштиради.

Инсулин фаоллигини тушириб, қонда қанд миқдорининг

ортишига сабаб бўлади. Сўнгги йилларда Америка ва Оврупада

гидрогенлашган ёғлар ва маргарин таъқиқланди. Маркет

пештахларидан тўплаб, олиб кетилди. (Бу маҳсулотлар ислом

ўлкаларига юборилиб, ўрнига зайтун ёғи ва думба ёғи олинган

бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас) Қиздирилгандан кейин туриб

қолган ёғда ёки қайта ишланган озукалардаги ёғда ёғ оксидланиши

билан токсик хусусиятдаги пероксидлар ва мустақил

радикаллар келиб чиқади, бу эса ўта хавфлидир. Шу сабабдан

қовурилган ва туриб қолган бодом, pista ва арахис, чипс, печенье,

туриб қолган тайёр таомлар ва қовуришда бир мартадан кўп

ишлатилган ёғларни истеъмол қилиш тўғри эмас.

Бодом, pista ва арахис каби маҳсулотларни қовурилгандан сўнг

куттирмасдан ейиш керак.

Пишириш жараёнида мустақил радикал моддалар юзага келиши

сабабли табиий ўсимлик ёғларини ҳам бир марта ишлатиш керак.

Ҳайвон ёғлари, яъни бойитилган ёғлар эса ТВ ва бошқа ахборот

воситалари тарғиб қилгани қадар хавфли эмас. Миямизнинг тахминан

60% ёғ кислоталаридан ташкил топади. Бунинг ярми бойитилмаган

ёғ кислоталари, қолган ярми эса бойитилган ёғ кислоталаридир.

Бойитилган ёғлар хужайра деворининг 50%ни ташкил қилади

ва хужайра метаболизмида муҳим рол ўйнайди. Улар суякларга

кальций келишини, жигарнинг токсинларидан химояланишини

таъминлайди ва яхши холестерин (HDL) миқдорини оширади.

Бундан ташқари, ҳазм тизими аъзоларини зарарли бактериялардан

сақлайди, иммунитет тизимини қувватлантиради.


Гўшт ўз ёғи билан пиширилса, ҳазм бўлиши осон кечади.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Гўшт ўзидан бошқа ёғда яхши ҳазм бўлмайди. Қон гуруҳи “О”, “В” ва “АВ” бўлганлар табиий озикланган ҳайвонларнинг ёғини гўшти билан бирга бемалол истеъмол қилишлари мумкин. Аммо ҳайвон гўштини ҳазм қила олмайдиган “А” қон гуруҳига мансуб кишилар фақат ҳайвон ич ёғини таом билан ейишлари мумкин. Бойитилган ёғлар доғлаш ва пишириш жараёнларида бузилмайди. Шу сабабдан қизартириш ва қовуриш ишларини бу ёғларда қилиш тўғридир. Фақат табиий озикланмаган ҳайвонларнинг ёғи зарарли ҳисобланади. Чунки ҳайвон танаси ҳам худди инсон танаси каби камчилиги бўлган ҳазмдан сўнг қолиб кетган захарларни ёғда тўплайди. Соғлом кишининг ҳафтада 2-3 марта ёғ ейиши танага кифоя қилади. Ёғ истеъмол қилинмаса ҳам, тана ўз ёғини чиқаради. Аммо пайғамбаримиз (с.а.в.) “40 кунгача гўшт ва ёғли нарса емаслик ахлоқни бузади, киши табиятини ўзгартиради”, деганлар. Кўп ва зарарли ёғ томирларда кичик дончалар ҳосил қилади. Бу дончалар қон билан айланиб, холестерин билан қопланишни (ёпилишни) бошлайди ва терининг ёғ безларига боради, у ердан хуснбузар ва чибон шаклида тери устига чиқади. Қондаги кўп ёғнинг хуснбузар ва чибон шаклида тери устига чиқиши энг зарарсиз йўлдир. Бундан ҳам ёмонроғи қондаги ортикча ёғларнинг “холестеринли халтачалар” ҳолида томир деворларига ёпишиб, оҳақ билан қопланишидир. Шундай цементланган томир деворлари қаттиқлашади, қалинлашади. Натижада, томирлар торайиб, қон айланиши секинлашади ва қон қуюқлашади. Қон торайган томирлардан аъзоларга етарли миқдорда етиб бормайдиган ҳолга келади, аъзолар кислороддан ва зарурий озукалардан маҳрум қолиб, заифлашади. Томирнинг қопланган жойида томир портлаши ёки некроз, яъни тўқима ўлими келиб чиқади. Некроз юзага келган жойда эса яра, қонаш, яллиғланиш ва қаттиқлашиш ҳодисалари бўлади. Юксак холестериндан қутулиш учун холестеринни дори билан туширмасдан, озикланишни тартибга солиш, зайтун ёғи ейиш, саримсоқли дори ичиш, жиғарни тозалаш керак бўлади. Холестеринни тушириш учун тадбирнинг ўзи кифоядир.



ТАБИЙ ДОРИ-ДАРМОНЛАР

“Бошқаларнинг топган баъзи дорилари билан ҳар қанча даволансанг ҳам, энг яхши табиб Аллоҳ Таъолодир”. (Ҳадиси шариф). “Аллоҳ Таъоло касалликни ҳам, давосини ҳам нозил қилган. Ва ҳар бир касалликка бир дармон яратган. Шундай экан, даволанинг. Фақат ҳаром бўлган нарса билан даволанманг”. (Ҳадиси шариф). Аччиқ қовун *Ecballium elaterium* (Чиртаган қовуни, Абу Жаҳл қовуни, Шоқол қовуни, Эшак бодринги) Сарғайиб пишган аччиқ қовун дори сифатида қўлланилади. Аччиқ қовуннинг суви мукаммал тозаловчи ва эритувчи бўлиб, баданнинг чуқур қатламларида тўпланиб, йиллар давомида сақланган ортикча зарарли моддаларни ташқарига чиқариб ташлайди. Аччиқ қовуннинг пўстлоғи ва уруғлари захарлидир. Қўлланиладиган қисми - сувли ва этли қисмидир. Аччиқ қовун пишмаган ҳолда, ҳали яшилгида ишлатилса, захарли ични кеткази ва қустиради. Бундай қовуннинг қуритилган ва майдаланган пўстлоғининг 1 граммини, уруғининг ярим граммини ёки илдининг 3 граммини истеъмол қилиш ўлимга олиб бориши мумкин. Бир шохда битта аччиқ қовун бўлса, бу яна-да захарли бўлади. Уни захарини заифлатиш учун асал ёки шакар билан аралаштириш керак. Янги ва қуруқ аччиқ қовун дори сифатида қўлланилиши мумкин. Аччиқ қовуннинг суви, меваси (уруғсиз), барглари ва томири қуритилади ва сақлаб қўйилади.

Аччиқ қовуннинг суви баргининг сувидан ҳам қувватлидир. Фалаж, қичима, жиғар касалликлари, ҳатто цирроз, буйрак ва қовуқ касалликларига, ревматизм, урологик ва гинекологик касалликларга фойдали. Қон ва сафрони нозиклаштиради, бош оғриғи ва мигренни (вакти-вакти билан тутадиган бош оғриғи) кетказди. Илон ва чаён чақишларига қарши даводир. Аччиқ қовун оғиз йўли билан, қинга (вагинага) қўйилиб, кулоққа томизилиб, бурунга тортилиб ёки териға сурилиб қўлланилади: 50 гр янги аччиқ қовун томири ингичка қилиб кесилади ва 500 гр сув билан паст оловда 5 дақиқа қайнатилади. 15 дақиқа қутилиб, сузилади ва бир ош қошиқ асал билан аралаштирилади. Ҳар кун бу сувдан 150 грамм кун бўйи ютум ютум ичилса, гепатит ва цирроз, оғрик, қон қуюлиши, бесўнақайлик (фил) касалликларига фойдали. Аччиқ қовун ичи тозаланиб, асал тўлдирилади. Ботгунича сув қуйиб, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади. 7-10 кун давомида 3 донадан бошлаб, қўпайтириб, ҳар куни 5 дона, орада 10 кунлик танафус билан ейилса, руҳий касалликларга ва эпилепсияга фойдали бўлади. Аччиқ қовун ва сирка чала қайнатилиб, ғарғара қилинса, тиш оғриғини қамайтиради, милкларни кучлантиради, тиш олдиришни қулайлаштиради. 14 кун давомида ҳар куни 7-13 дона аччиқ қовун барги 1 пиёла сув билан паст оловда 3 дақиқа қайнатилади. Совиганидан кейин асал ёки шакар билан ширинлаштирилиб, ютум-ютум ичилса ёки ҳар кун териға 6-10 дона аччиқ қовун суви сурилиб турилса, асаб, бўғин, ишиас, қақшаш ва ўткир оғриқларга, буйрак ва сийдик йўллариға фойда қилади. Бесўнақайлик (фил касаллиги, элефантиаз) ва моҳовнинг ривожланишини тўхтаб туради.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир **Қамолдин Йўлдош**

erkinyurt@uzxalqharakati.com